

Вояга етмаганларга жарима жазосини тайинлаш муаммолари

Ҳуқуқшунос олимлар, давлатнинг олий ҳокимият органлари вояга етмаганлар жиноятчилиги билан курашишда жиноят ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, қонунчиликни ривожлантириш ва уни самарали ишлашининг фундаментал назарий қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни муайянлаштириш масаласига катта эътибор қаратмоқдалар.

Жазо бошқа ҳар қандай ижтимоий ҳодиса каби доим ривожланиб боради, бироқ бунда унинг шакли маълум вақтгача ўзгармай келади. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейин бизнинг ҳуқуқий доктринамиз ҳам демократик тамойилларга асосланган ҳолда янгича аҳамият касб этган.

Собиқ иттифоқ даврида жазо репрессив кўринишга эга бўлган. Кўп ҳолларда давлат мулкига қарши қаратилган жиноятлар шахсга қарши қаратилган жиноятлардан ҳам қаттиқроқ жазоланган. Янги демократик жамият иштирокида жазо “...шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш... фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш...” воситасига айланиб бормоқда. Буларни ҳаммаси жазо хусусиятини тубдан ўзгаришига олиб келувчи омил бўлиб ҳисобланади. 2000 йил июн ойида қабул қилинган жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастурида “...жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликни инсонийлик ва адолат каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлаш...” назарда тутилган.

Жазо ва тарбия бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда мавжуддир. ...жазо (жазолаш таъсири) билан мустаҳкамланмаган соф ҳолдаги тарбиявий таъсир кўрсатиш, замонавий шароитда, ўз-ўзича жиноятларни олдини олишда кутилган натижаларни бермайди. Шу билан бирга жазолашда ҳам тарбия элементларини кўра билиш керак. Жазолаш таъсири маълум доирадаги ҳуқуқбузарлар учун, жазонинг “соф ҳолдаги тарбиявий таъсирига қараганда тарбиянинг кучли воситаси сифатида намоён бўлади”.

М.Д. Шаргородский жазолаш ва тарбиялаш жазонинг мазмуни бўлиб ҳисобланади, деган хулосага келган. М.Д.

* ТДЮИ ўқитувчиси, ю.ф.н.

Шаргородскийнинг бу фикрига қўшилган ҳолда унинг “тузатиш ва қайта тарбиялаш жазонинг мақсади эмас, балки ... жазонинг асосий, якуний, ўзига хос мақсадига – жиноятлар содир қилинишини олдини олишга эришиш воситаси бўлиб ҳисобланади” деган бошқа фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки бу хулоса жазонинг иккита ўзаро боғлиқ мақсадларини ажратибгина қолмай, балки амалдаги ЖК 42-м. 2-қ. талабларига ҳам зид келади. Собик иттифоқ даврида инсон кадрланмаган, қонунлар эса давлат субъектини ҳимоя қилиб, жазога репрессив тус берилган. Бизнинг бош вазифамиз – ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутилишдир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, жазо жазолаш механизmidан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмига айланган десак хато бўлмайди.

Ахлоқан тузатишни жазони мақсади деб тан олиш вояга етмаганларга жазо тайинлаш ва уларни ижро этиш, шунингдек ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларининг фаолияти учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бу муассасалар маҳкумларни фақатгина озодлигини чеклаш ёки кўрқитиш жойи бўла олмайди. Уларни вазифаси маҳкумларни онгини тубдан ўзгартиришдан иборат.

Жазонинг мазмуни тўғрисидаги масала ҳам катта аҳамиятга эга. Жазо ўз моҳиятига кўра жазолаш ва тарбиялашдир. Мазмун эса моҳият ва ҳодисанинг бирлиги бўлганлиги учун, жазонинг мазмуни муайян ҳолатда тартибга солинган ва қатъий чегараланган ҳуқуқий чеклашларнинг мажмуи сифатида қаралиши керак. Шунинг учун ҳар қандай жазо жазолаш ва тарбиялаш воситаларининг маълум даражасига эгадир.

Жазонинг мазмунини унинг алоҳида турлари орқали кўриб чиқиш мумкин. Масалан, биз озодликдан маҳрум қилишни жазонинг энг оғир турларидан бири деб таъкидлаганимизда унда биз, одатда, уни, жазолаш элементлари камроқ намоён бўлган ва аксинча, тарбиялаш элементи кўпроқ намоён бўлган жазонинг бошқа тури билан таққослаймиз.

Амалдаги қонунчилик бўйича вояга етмаганларга қуйидаги асосий жазолар тайинланиши мумкин: а) жарима; б) ахлоқ тузатиш ишлари; в) қамок; г) озодликдан маҳрум қилиш. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга қўшимча жазолар қўлланилиши мумкин эмас.

Охирги вақтларда жаримани жазо сифатида қўллашнинг амалий масалалари амалиётчилар ва олимларни эътиборини ўзига тортди. Бу жиноятчининг шахси, жиноий хатти-ҳаракат механизмига таъсир қилишнинг оптимал йўллари тўғрисидаги

билимларни ва либераллаштириш асосларини узил-кесил ҳаётга татбиқ қилишни кенгайтириш билан боғлиқ. Аммо жарима жазосини вояга етмаганларга қўллашнинг айрим хусусиятлари мавжуд.

Жарима жазосини умуман ва хусусан вояга етмаганларга тайинлаш тўғрисида бир-бирига қарама-қарши бўлган турли фикрлар мавжуд бўлган. Масалан И.А. Исмаиловнинг фикрига кўра “...жиноят қонунчилигининг ривожланиш жараёнида жарима жазосини қўллаш соҳаси торайиши керак, айрим жиноятлар учун уни жазо чораси сифатида тайинланиши эса умуман мақсадга мувофиқ эмас (шахсга қарши жиноятлар)”.

М.Д. Шаргородский эса, аксинча, ойлик иш ҳақини ва халқни умумий даромаднинг ошиши билан жаримани, айниқса кам аҳамиятли жиноятлар учун кенгрок қўллашга шароит яратилади, деб ҳисоблаган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Жиноят қонунчилигида иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур... Озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига жарима турини қўллашни кенгайтириш керак”, - деб жуда тўғри таъкидлаб ўтганлар.

Бизнинг фикримизча ҳам ўзганинг мулкига зиён етказиш ҳамда ғараз ниятларда содир қилинадиган бошқа айрим жиноятлар учун жарима мақсадга мувофиқ ва етарли даражада самарали жазо чораси ҳисобланади.

Юридик адабиётларда жазо тури сифатида жариманинг моҳияти ҳамда ундаги қўрқитиш ва тарбиялаш элементларининг нисбати тўғрисида кўпгина фикрлар айтилган.

П.П. Осипов жаримани, маҳкумга бундан кейин эътиборлироқ бўлиш ва жиноий ҳаракатларни содир қилмаслик учун жиддий эслатма сифатида кўриб чиқади. Лекин жаримада жазонинг ахлоқ тузатиш, тарбиявий мақсади мавжуд бўлиши мажбурий эмас деб ҳисоблайди.

Жаримага, ўз ҳуқуқий табиатига кўра ахлоқан тузатиш, шунингдек жиноятчиликни махсус олдини олиш вазифаларини ечишга қодир бўлмаган жазо чораси сифатида қараш қонунга асосланмаган. Ҳақиқатан ҳам жарима меҳнат ахлоқ тузатиш таъсири билан боғлиқ бўлмаган жазо турларига киради ва у асосан қўрқитиш йўли билан маҳкумларга таъсир қилади. Унинг тарбиявий таъсири бошқа жиноий жазо чораларидан кўп эмас,

узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш бундан мустасно, ва бу таъсир қилмишни ва уни содир қилган шахсни қоралашда ифодаланади, шунинг учун бу томондан у ҳеч қандай устунликка эга эмас, аммо шу билан бирга у озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазолардаги камчиликлардан ҳам ҳоли.

Жазони ҳар бир муайян турини таҳлил қила туриб, умуман жиноят процессига, жиноят ҳуқуқий чораларни қўллаш амалиётига хос бўлган тарбиявий функцияни, қолаверса миллий анъаналаримизни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. И.А. Каримов бу тўғрида: "...миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади..." - деб таъкидлаб, жиноятчиларни ахлоқан тузатишда бутун жамиятимизнинг ролини ифодалаб берган.

Барча жазолар тузатиш ва қайта тарбиялаш вазифасига бўйсундирилган, бироқ бу мақсад судланувчининг ҳаёт фаолияти ва манфаатларининг турли соҳаларига тегишли бўлган ва жазонинг ҳар бир турига турли даражада хос бўлган жазолаш воситаларининг турли комбинациялари орқали эришилади.

Жариманинг афзалликлари билан бирга, унда ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Унинг энг сезиларли камчилиги шундаки, жазонинг бу турини барча вояга етмаган жиноятчиларга қўллаб бўлмайди. Бизнинг фикримизча шахсий даромади ёки мулки бўлмаган шахсга жариманинг тайинланиши, маҳкум бундай жаримани тўлаб бўлганидан сўнг ўзининг моддий шароитини тиклаш мақсадида қонуний чоралар тополмаса (ҳозирги шароитда буни юзага келиш хавфи юқори) яна жиноят йўлига кириш хавфи туғилади.

Бу тўғрида Г.С. Гаверов шундай деган: "...мустақил даромадга эга бўлмаган вояга етмаганларга жаримани қўллаш мақсадга номувофиқ бўлади. Ўсмирда унинг содир қилган жиноятлари учун ҳар доим ота-онаси пул тўлаши эвазига қутилиши мумкин деган фикр пайдо бўлади". Амалдаги ЖК 82-моддасига мувофиқ жарима жиноят содир этган ҳар қандай вояга етмаган шахсга тайинланиши мумкин, чунки ушбу жазони тайинлаш мумкин бўлган вояга етмаган шахслар бўйича қонунда ҳеч қандай чеклашлар ўрнатилмаган

Жарима аввалам бор, мустақил даромадга эга бўлган жиноятчиларга қўлланиши керак, акс ҳолда ушбу жазонинг таъсири вояга етмаган айбдорнинг яқинлари зиммасига тушиши мумкин.

Бундан ташқари, бордию ўсмирнинг ота-аналари жарима тўлашда унга ёрдам бермасалар, вояга етмаганга тайинланган жарима қамоқ билан алмаштирилиши муқаррардир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бундай шахсларга жарима жазоси қўлланилганда биринчидан - амалда вояга етмаган шахснинг яқинлари жазоланган бўлиб чиқиши мумкин; иккинчидан – жарима жазосини тайинлашдан кутилган мақсадга эришиб бўлмайди.

Масалан, вояга етмаган Нурпесов Ш. Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманида жойлашган “Чорсу” бозорида Сафарова М. нинг қўлидаги ҳалтасининг ичидан яширин равишда 500 сўмлик ҳамёни билан 468 сўм пулини эгаллаб Жиноят кодекси 169-модда, 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилган. Суд томонидан унга 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят кодекси 169-модда, 2-қисмида муқобил жазо чораси сифатида жарима кўрсатилган бўлсада, Ш. Нурпесов ҳеч қаерда ишламаганлиги ва мустақил даромадга эга бўлмаганлиги учун суд унга жазонинг бу турини қўлламаган.

Жаримани қўллаш ҳолларида жазо мақсадларини амалга ошириш айбдорнинг моддий манфаатларига таъсир қилиш йўли билан эришилади. Тайинланадиган жарималар муайян шахсга таъсирчан бўлиши учун етарли даражада, шахснинг хусусияти ва содир этилган жиноятига мувофиқ бўлиши керак. Бундан келиб чиқиб, жарима миқдори нафақат қилмишга боғлиқ ҳолда, балки айбдорнинг моддий шароити инобатга олинган ҳолда ҳам ўрнатилиши керак деб айтишимиз мумкин. 14-16 ёшдаги жиноятчиларга жариманинг тайинланиши ўз аҳамиятини йўқотади. Бироқ 16-17 ёшдаги жиноятчиларга жаримани қўллаш имкониятлари мавжуд.

Катта миқдордаги жарималар нафақат маҳкумнинг, балки кўп ҳолларда уни оиласининг моддий шароитига ҳам таъсир қилади, деган эътирозлар ўринсиз, чунки ўша шахсни озодликдан маҳрум қилиш унинг оиласига бундан ҳам оғирроқ мусибат келтириши мумкин. Шу билан биргаликда вояга етмаганлар жинояти учун тайинланиши мумкин бўлган жариманинг миқдори энг кам ойлик

иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда белгилаб қўйилган.

Шунинг учун ғаразли ниятда содир қилинган жиноятлар учун жаримани қўллашни кенгайтириш тўғрисидаги тезис бизнинг назаримизда тўғридир. Жаримани қўллаш маҳкумнинг моддий манфаатларига, яъни айбдор онгининг ғаразли жиноятни содир этишни қўзғатувчи мотивларга боғлиқ бўлган соҳасига таъсир қилувчи омил билан боғлиқ. Жариманинг самараси узоқ муддатга мўлжалланмаган. Назаримизда вояга етмаганларга тайинланаётган жариманинг таъсирини мажбурлов чораларини қўллаш билан мустаҳкамлаш мумкин. Бунинг учун қонунчиликка ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиш керак.

Биз вояга етмаганлар томонидан жиноят содир қилиниб жиноий жазо чоралари қўлланилган кўпгина ишларни ўрганиб чиқдик.

Уларга жарима жазосини қўллаш жазо тушунчасига зид келиши мумкин. ЎзР ЖК 42-моддага асосан, жазо маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир. Бордию уларга бу турдаги жазо қўлланилса моддий жиҳатдан чеклашдан иборат бўлган мусибат унинг яқин кишилари ёки қариндошлари зиммасига тушади, маҳкум эса унинг жазолаш элементини ҳам, тарбиялаш элементини ҳам сезмаслиги мумкин. Маълумотларга кўра 2001 йилнинг 9 ойида вояга етмаган судланганларнинг умумий миқдорида ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиганларнинг улуши 23, 6 % ни ташкил этган бўлса, 2002 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 32, 6 % ни ташкил этди. Бу маълумотлар, биринчидан, республикада вояга етмаганларнинг аҳолини кўрсатса, иккинчидан, бундай тоифадаги шахсларга нисбатан жаримани қўллашни ҳам муаммоли эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга 2001 йилда судланган вояга етмаганларнинг тахминан 74%, 2002 йилда 72 % ўғрилиқ жиноятини содир этганлар. 14-15 ёшдан жиноят содир этган шахслар судланган вояга етмаганларнинг 19% ни ташкил этган бўлса, 2002 йилнинг шу даврида 25% ни ташкил этган.

Бундай шахсларга нисбатан нафақат жарима, балки ахлоқ тузатиш ишларни ҳам қўллаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг берган тушунтиришида: “Ахлоқ тузатиш

ишлари пенсия ёшига етган, 16 ёшга тўлмаган шахсларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан тайинланмайди”. Шу билан бирга Ўзбекистондаги иқтисодий шароит ҳам жарима жазосини қўллашни мақсадга номувофиқ қилиб қўяди. Ижтимоий хавфлилик даражаси унча юқори бўлмаган жиноятни содир этган ва жаримани тўлашга қурби етмаганлар ўз қилмиши учун ахлоқ тузатиш ишлари ёки қамоқни ўташга мажбур бўладилар. Бундай ҳалолат ижтимоий тенгсизликка ва жазони ўз мақсадига эриша олмаслигига олиб келиши мумкин.